

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

М.Ў. Жўраев

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ички ишлар идоралари бошқарув тизимини моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг аҳволи, бу борадаги бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳадаги энг муҳим вазифалардан яна бири – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, профилактика инспекторларининг билим даражаси ва касбий тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларни бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш орқали ушбу масалаларни ҳал қилиш бугунги кун асосий вазифаларидан эканлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: моддий-техник, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспекторлари, ахборот-коммуникация технологиялари, тизимини ахборот билан таъминлаш, маълумотларни йиғиши, тизимлаштириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается состояние материально-технического обеспечения системы управления органов внутренних дел, реформы, проводимые в связи с этим на сегодняшний день, в частности, одна из важнейших задач в сфере профилактики правонарушений - широкое применение современные информационно-коммуникационные технологии в сфере профилактики правонарушений, уровень знаний инспекторов профилактики и Проанализировано, что решение этих вопросов путем повышения их профессиональной подготовки, создания для них подходящих условий труда, обеспечения их служебным жильем в непосредственно вверенной местности им, а внедрение механизмов материального стимулирования эффективности возложенных на них задач является одной из главных задач сегодняшнего дня.

Ключевые слова: материально-техническая, профилактика правонарушений, профилактика инспекторов, информационно-коммуникационные технологии, системное информационное обеспечение, сбор данных, систематизация, анализ, обобщение.

ABSTRACT

This article discusses the state of logistics of the management system of the internal affairs bodies, the reforms carried out in this regard today, in particular, one of the most important tasks in the field of crime prevention is the widespread use of modern information and communication technologies in the field of crime prevention, the level of knowledge of prevention inspectors and It is analyzed that the solution of these issues by improving their professional training, creating suitable working conditions for them, providing them with official housing in the area directly entrusted to them, and introducing mechanisms for material incentives for the effectiveness of the tasks assigned to them is one of the main tasks of today days.

Keywords: logistical, prevention of offenses, prevention of inspectors, information and communication technologies, system information support, data collection, systematization, analysis, generalization.

Бошқарувнинг самарадорлиги бевосита унинг моддий-техник жиҳатдан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ жиҳатлари кўп. Хусусан, ИИОнинг бошқарув тизимини моддий-техник таъминлаш бугунги кунда муҳим масалалардан бири саналади. Бундан ташқари ИИО тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам тизимнинг моддий-техник асосларини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам «Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади. Биз бундан кейин ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз» деб таъкидлаган эди³⁷.

Ҳаракатлар стратегияси асосида ИИО тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ИИОнинг моддий-

³⁷ Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар ходимларини касб байрами муносабати билан байрам табриги (2020 йил 25 октябрь)

техник базаси мустаҳкамланган. Бунда ИИО фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион лойиҳалар жорий этилмоқда. Масалан, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», «Хавфсиз хонадон» каби ўзига хос янгича концепциялар ҳамда Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари худудида Германиянинг нуфузли «ATLAS International» компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото ва видеофиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими» инвестициявий лойиҳаси ҳаётга жорий этилиши ҳамда ИИО ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва молиявий асослари яратилган³⁸.

Шу ўринда «моддий-техник таъминот» таъминот тушунчасига ойдинлик киритиб олиш лозим. Айрим адабиётларда моддий-техник таъминотни ишлаб чиқариш соҳасига доир фаолият³⁹, яна бошқаларида эса ишлаб чиқаришга мансуб бўлмаган фаолият сифатида тушунтирилади⁴⁰. Шунингдек, О.А. Камалов эса моддий-техник таъминот атамаси собиқ Иттифоқ режали иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур маъмурий-иктисодий воситани ифодалаган, мазкур иқтисодиётни маҳсулот, хомашё, техника ва бошқа товарлар билан таъминлашга хизмат қилган, деб таъкидлайди⁴¹.

Бизнингча, моддий-техник таъминот маълум бир тизим ёки фаолиятнинг мавжуд бўлиши, сақлаб турилиши ҳамда унинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришини моддий ва техник ресурслар билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳамда ИИОнинг моддий-техник таъминотига оид маълумотлар таҳлили асосида ИИО бошқарув тизимини моддий-техник таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши тўғрисида хulosага келинди:

биринчи йўналиш – ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
иккинчи йўналиш – ИИО ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ИИО томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний

³⁸ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистонда халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари: Монография. – Т., 2020. – 24–25.

³⁹ Братусь С.Н. Эволюция функции хозяйственного договора // Гражданское право в экономике. – М., 1985. – С. 68.

⁴⁰ Материально-техническое обеспечение: адаптация к рынку. – Л., 1991. – 17,

⁴¹ Камалов О.А. Ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контракти: Юрид. фан. ном. дис. – Т., – 2005. Б. 34.

ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда қаратилган вазифаларни бажаришга моддий ва молиявий ресурсларни сарфлашни назарда тутади.

Фикримизча, ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қуйидаги элементлардан ташкил топган:

ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш институционал асослари; ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг ҳуқукий асослари; ИИОнинг моддий-техника базасининг манбаи; ИИОнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг амалдаги ҳолати.

Бошқарувни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда **моддий-техник таъминотнинг манбаи** муҳим ўрин тутади. Бунда тегишли манбанинг барқарорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасидаги ИИОнинг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминотига оид нормалар таҳлилидан билиш мумкинки, ИИО бошқарув тизимини моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмаларнинг ана шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминоти.

Бу ерда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар кенг мазмунга эга бўлиб, турли манбалардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, ИИВ Академияга тўлов-контракт асосида амалга ошириладиган ўқитишнинг маблағлари унинг бюджетдан ташқари жамғармасига жамланади, уларнинг камида 70 фоизи ўқув ва моддий-техник базани ривожлантиришга, 30 фоиздан ошмаган қисми эса ишда юқори натижаларга эришган профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимларни пул таъминотининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши кўзда тутилган⁴².

Бизнинг фикримизча, ИИО томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш амалиётини кенгайтириш ИИО тизимини молиявий таъминлашнинг янги ва истиқболли шаклларидан бири ҳисобланади.

⁴² Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори.

Айни пайтда, мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан ички ишлар органларида ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш ҳамда янги-янги хизмат турларини изчиллик билан тизимга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади⁴³.

Бугунги кунда ИИОнинг таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

ИИОнинг таянч пунктларини зарурий техник воситалар, кўргазмали қўлланмалар, хизмат ҳужжатлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади⁴⁴.

ИИОнинг бошқарув тизими니 **моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг ахволи** бу борадаги воқеликка баҳо бериш имконини беради. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳадаги энг муҳим вазифалардан яна бири – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, профилактика инспекторларининг билим даражаси ва касбий тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларни бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш ҳисобланади⁴⁵.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон Қарори асосида тергов органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини мустаҳкамлаш борасида илк маротаба депозит ҳисоб рақами жорий этилиб, ундаги пуллардан фойдаланиш имкони яратилди. Бу пул маблағлари эвазига

⁴³ Маҳмудходжаева У.М. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўрни ва аҳамияти // Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). – Т., 2020. – Б. 518.

⁴⁴ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори.

⁴⁵ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистонда халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари: Монография. – Т., 2020. – Б. 247.

тергов бўлинмалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ходимлар мебель, канцелярия ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмоқда.

ИИОнинг тергов тизимига инновацион технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон қарори асосида илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида биринчи марта Ўзбекистонда тергов ҳаракатларини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган маҳсус хоналар ташкил этилди. Бу хорижий мутахассислар томонидан юксак баҳоланди (ҳозирда **31** та мазкур турдаги хоналар тўлиқ ишга туширилиб, фойдаланишга топширилди).

Хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, автомобиль ҳаракати устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида йўл-патрул хизмати стационар постлари сонини ва жойлашувини мақбуллаштириш, уларни белгиланган намунавий схема бўйича босқичма-босқич реконструкция ва модернизация қилиш, моддий-техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишининг бошқа техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги энг муҳим йўналишлардан саналади.

Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида «Uzavtoyo‘lbelgi» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишининг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш – ушбу корхонанинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилотлар учун йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишининг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш факат «Uzavtoyo‘lbelgi» давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ўрнатилган йўл белгилари хатловдан ўтказилиб, уларни босқичма-босқич замонавий юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгилари билан алмаштириш, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган барқарор йўл чизикларини чизиш учун маҳсус техника ва асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи светофор обьектлари, йўл белгилари ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳамда йўл чизиқлари ўтказиш ишлари самарадорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси хузуридаги Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига ўтказилди. Шунингдек, Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаси қошидаги «Uzavtomotobelgi» шўъба корхонаси «Uzavtomotobelgi» давлат унитар корхонасига ўзгартирилди.

Маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини туширган ҳолда махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари учун юқори сифатли ишорали овоз кучайтиргич мосламалар ишлаб чиқариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (хусусан, «Ўзэлтехсаноат» АҚда).

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларини «Автокон» – автомашиналарнинг давлат рақамларини автоматик аниқлаш ва қоидабузарликларни қайд этиш махсус аппарати билан таъминлаш ишлари бошланди. Йўл ҳаракати инспектори машинасига ўрнатиладиган ушбу махсус қурилма қоидабузарлик содир этиб, жарима тўламай юрган транспорт воситаларини бевосита ҳаракат жараёнида аниқлаш имконини беради⁴⁶.

Алоҳида эътибор қаратиш жоизки, Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тажриба тариқасида **йўл-патрул хизмати мотоциклдаги гурухлари** тузилди.

Йўл-патрул хизмати мотоциклдаги гурухларига йўллар ва кўчаларнинг ҳаракатланиш қийин бўлган қатнов қисмларида, одамлар гавжум жойларда, шунингдек хорижий ва бошқа делегацияларни кузатишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар юклатилди.

2018 йил 1 октябрга қадар тажриба тариқасида ташкил этилган йўл-патрул хизмати мотоциклдаги гурухларининг фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва йўл-патрул хизматининг мазкур турини мамлакатнинг бошқа худудларида жорий этиш вазифа сифатида белгиланди.

Бошқарувни ташкил этишда **ходимларни қўллаб-кувватлаш, уларни ижтимоий ва хукуқий ҳимоя қилиш** унинг самарадорлигини таъминлашнинг

⁴⁶ Тинчлик ва осойишталик барқарор тараққиётнинг мұхым омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 30 июнь.

энг муҳим мезонларидан бири саналади⁴⁷. Айниқса, хавфлилик даражаси юқори бўлган касбларда ишловчи ходимларни қўллаб-қувватлаш биринчидан, ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашнинг асосий омили бўлса, иккинчидан, ходимларни муносиб равишда рағбатлантириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Соҳада шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг яшаш ва хизмат шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгти тўрт йилнинг ўзида 241 та хизмат уйлари қурилиб, уй-жойга эҳтиёжи бўлган ва хизматда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларнинг оиласларига топширилгани ҳам бу борадаги ишларимизнинг амалий тасдиғидир. Бундан ташқари, 2018-2020 йилларда соҳа ходимлари учун имтиёзли ипотека кредити асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган замонавий кўп қаватли уйлардан 392 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса 2 мингга яқин квартира ажратилди⁴⁸.

Н.Д. Кочеткова ИИО ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни ИИО ходимлари ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми ҳамда улар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий жиҳатларидан бири сифати тадқиқ этади⁴⁹.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Конунининг 35-моддасида ИИО ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг шакллари сифати қўйидагилар назарда тутилган:

соғлигини сақлаш; меҳнатига ҳақ тўлаш; уй-жой майдони билан таъминлаш; мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш; хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш; давлат пенсия таъминоти; давлат суғуртаси; ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни қайд этиш жоизки, ИИО ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат тураг жойлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва молиявий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

⁴⁷ Коваленко И.А. Система органов внутренних дел России в механизме российского государства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – с. 14.

⁴⁸ Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар ходимларини касб байрами муносабати билан байрам табриги (2020 йил 25 октябрь)

⁴⁹ Кочеткова Н.Д. Административно-правовое обеспечение социальной защиты сотрудников органов внутренних дел Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – с. 27.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. SH.M.Mirziyoyev, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи ma’ruza, 2018 yil 7 dekabr.
2. SH.M.Mirziyoyev, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga yo‘llagan murojaatnomasi, 2020 24 yanvar.
3. Korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha Respublika Idoralararo komissiyaning yig‘ilish bayoni, “Oliy ta’lim sohasida korrupsiyaga qarshi kurashish va qonuniylikni ta’minlashga doir masalalar” – 2019 yil 18 yanvar.
4. Махмудходжаева У.М. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўрни ва аҳамияти // Ички ишлар органларида норматив-хукуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). – Т., 2020. – Б. 518.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори.
6. Yuldashev, J. (2023). Step-by-step development of jointstock companies in Uzbekistan. Eurasian Research Bulletin, 16, 114-118.
7. Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистонда халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари: Монография. – Т., 2020. – Б. 247.
8. Akhrorkulov, A. (2020). Non-Profit Organizations: Legislation Reform And Law Enforcement Practice. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(10), 129-134.
9. Юлдашев, Ж. (2023). Поэтопное Развитие Акционерных Обществ В Узбекистане. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 4(1), 98-103.
10. Gulyamov, S., & Ahrorqulov, A. (2022). NOTIJORAT TASHKIOTLAR FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY ASOSLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(5), 1029-1041.
11. Ahrorqulov, A. (2022). NOTIJORAT TASHKIOTLARI TO‘G‘RISIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 893-902.
12. Akhrorqulov, A. (2020). Issues of formation and registration of non-profit organizations. Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19), 1(02), 23-26.

13. Юлдашев, Ж. (2022). АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТИ (НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУШОҲАДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 1245-1252.
14. Mamajonova, D. (2022). KONSTITUTSIYAVIY ISLOHOTLAR-XALQ MANFAATINING ASOSIY MEZONI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 688-693.